

## XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятнинг доимий аҳолисининг сони 1 416,6 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 6,1 минг кишига ёки 100,4 фоизга кўпайди. Шундан 662,4 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 46,8 %) ва 754,2 минг киши – қишлоқ жойларида (53,2 %) истиқомат қилади.

### Жиззах вилоятининг ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда			Доимий аҳоли сонининг вилоятда улуши, фоизда		
	жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ

<b>Жиззах вилояти</b>	<b>1 416,6</b>	<b>662,4</b>	<b>754,2</b>	<b>102,0</b>	<b>101,8</b>	<b>102,2</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳар:</i>									
Жиззах	181,5	181,5	0,0	101,8	101,8	0,0	12,8	27,4	0,0
<i>туманлар:</i>									
Арнасой	46,6	16,1	30,5	101,3	101,9	101,0	3,3	2,4	4,0
Бахмал	159,9	43,2	116,7	102,0	102,1	102,0	11,3	6,5	15,5
Ғаллаорол	175,7	61,7	114,0	102,0	101,6	102,2	12,4	9,3	15,1
Шароф Рашидов	227,6	89,6	138,0	102,6	101,6	103,2	16,1	13,5	18,3
Дўстлик	66,8	28,3	38,5	101,7	101,4	101,8	4,7	4,3	5,1
Зомин	167,8	79,7	88,1	102,2	102,2	102,2	11,8	12,1	11,6
Зарбдор	88,6	49,2	39,4	102,5	102,5	102,6	6,3	7,4	5,2
Зафаробод	50,7	23,1	27,6	101,6	101,3	101,8	3,6	3,5	3,7
Мирзачўл	52,8	29,5	23,3	101,7	101,7	101,7	3,7	4,5	3,1
Пахтакор	76,0	37,1	38,9	101,9	101,6	102,0	5,4	5,6	5,2
Фориш	94,0	17,4	76,6	101,4	101,2	101,4	6,6	2,6	10,2
Янгиобод	28,6	6,0	22,6	101,4	101,7	101,8	2,0	0,9	3,0

**Вилоят доимий аҳолиси сони таркибида ҳудудлар улуши, % да  
(2021 йил 1 апрель ҳолатига)**



### Январь-март ойларида вилоят бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари

Кўрсаткичлар	Киши сони		1000 аҳолига нисбатан	
	2020 йил	2021 йил	2020 йил	2021 йил
Туғилганлар	8 235	8 189	23,9	23,5
Ўлганлар	1 293	1 437	3,8	4,1
<i>шу жумладан:</i>				
бир ёшгача болалар	87	112	9,5	12,4
Никоҳлар, мингта	1 553	2 391	4,5	6,9
Ажралишлар, мингта	278	338	0,8	1,0

**Туғилиш.** 2021 йилнинг январь-март ойларида туғилганлар сони 8 189 кишини ташкил этди ва 2020 йилнинг шу даврига (8 235 киши) нисбатан минус 46 кишига камайди, шунга мос равишда туғилиш коэффиценти 23,5 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш коэффицентининг сезиларли кўпайиши Жиззах шаҳар (20,4 промилледан 26,5 промиллегача), Зомин (25,3 промилледан 26,9 промиллегача) Зафаробод (20,5 промилледан 21,6 промиллегача), Пахтакор (21,5 промилледан 22,8 промиллегача) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Худудлар кесимида туғилганлар сони ва коэффиценти**  
2021 йилнинг январь-март ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)




Ўлим. 2021 йилнинг январь-март ойларида ўлганлар сони 1437 кишини ташкил қилди ва 2020 йилнинг шу даврига (1293 киши) нисбатан 144 кишига кўпайди, мос равишда ўлим коэффиценти 4,1 промиллени ташкил қилди (2020 йил январь-март 3,8 промилле бўлган).

Ўлим коэффицентининг сезиларли ўсиши Жиззах шаҳар (3,6 дан, 5,1 промиллегача), Зафаробод (3,0 дан 4,2 промиллегача), ҳиссасига тўғри келади.

Ўлим даражасининг энг паст кўрсаткичи Арнасой (3,7 промилле) ва Дўстлик (2,8 промилле) Мирзақўл (3,2 промилле), туманлари ҳиссасига тўғри келди.


**Худудлар кесимида ўлганлар сони ва коэффиценти**  
2021 йилнинг январь-март ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)



Ўлганлар умумий сонидан 51,3 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,5 фоизи – ўсма касалликларидан, 10,3 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 6,0 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан,

7,0 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 2,9 фоизи – инфекцион ва паразитар касалликларидан, 14,0 фоизи – бошқа касаликлардан вафот этган.

**Асосий ўлим сабаблари бўйича вафот этганларнинг тақсимланиши  
(жами вафот этганларга нисбатан, % да)**




Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь-март ойларида 112 та бир ёшгача болалар ўлими қайд этилган. Гўдаклар ўлими коэффициенти 12,4 промиллени ташкил қилди, (2020 йил январь-мартида 9,5 промилле бўлган).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 48,2 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 24,1 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 8,9 фоизи – туғма аномалиялардан, 1,8 фоизи – инфекцион ва паразитар касалликларидан, 1,8 фоизи – бахтсиз ходиса, захарланиш ва жароҳатлардан, 1,8 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 13,4 фоизи – бошқа касалликлардан вафот этган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2021 йилнинг январь-март ойларида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 2 391 та никоҳлар ва 338 та никоҳдан ажралишлар қайд этилган, 1 000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти

6,9 ни (2020 йилнинг январь-март 4,5 бўлган) ва никоҳдан ажрალიш коэффициенти 1,0 ни (2020 йилнинг январь-мартда 0,8 бўлган) ташкил этган.

### 2021 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича тузилган никоҳ коэффициенти



Тузилган никоҳлар сони 2020 йилнинг мос даврига нисбатан айрим худудларда кўпайган. Бунда энг юқори кўпайиш суръати Жиззах шаҳрида (169,8 %), Фориш (198,4 %), Мирзачўл (194,9 %) туманларига тўғри келмоқда.

**Худудларда январь-март ойларида тузилган никоҳлар  
ва никоҳдан ажралишлар сони**

*(кишида)*

	<i>Тузилган никоҳлар</i>		<i>Никоҳдан ажралишлар</i>	
	<i>2020 й.</i>	<i>2021 й.</i>	<i>2020 й.</i>	<i>2021 й.</i>
<b>Жиззах вилояти</b>	<b>1 553</b>	<b>2 391</b>	<b>278</b>	<b>338</b>
<i>шаҳар:</i>				
Жиззах	192	326	54	52
<i>туманлар:</i>				
Арнасой	46	68	10	7
Бахмал	148	208	17	23
Ғаллаорол	220	260	45	39
Шароф Рашидов	238	392	35	53
Дўстлик	95	105	10	8
Зомин	216	354	32	39
Зарбдор	131	203	21	31
Зафаробод	49	82	11	16
Мирзачўл	39	76	8	8
Пахтакор	95	157	10	29
Фориш	63	125	18	21
Янгиобод	21	35	7	12

**Худудлар кесимида никоҳдан ажрашганлар сони ва коэффиценти**  
(2021 йил январь-март)



Ажримлар сонини 2020 йилнинг мос даврига нисбатан таққосланганда, юқори ўсиш суръати Пахтакор (290,0%), Янгиобод (171,4%), Шароф Рашидов (151,4%) туманларига тўғри келмоқда.

## Январь-мартда аҳолининг табиий ўсиши сони ва коэффициенти

(кишида)

	Киши сони		1000 аҳолига нисбатан	
	2020 йил	2021 йил	2020 йил	2021 йил
<b>Жиззах вилояти</b>	<b>6 942</b>	<b>6 752</b>	<b>20,1</b>	<b>19,4</b>
<i>шаҳар:</i>				
Жиззах	742	958	16,8	21,4
<i>туманлар:</i>				
Арнасой	191	159	16,8	13,8
Бахмал	954	828	24,6	21,0
Ғаллаорол	904	871	21,1	20,2
Шароф Рашидов	1 210	1 106	21,1	19,7
Дўстлик	316	287	19,4	17,5
Зомин	873	954	21,4	23,1
Зарбдор	494	434	23,0	19,9
Зафаробод	217	218	17,5	17,4
Мирзачўл	196	170	15,2	13,1
Пахтакор	334	351	18,0	18,7
Фориш	400	333	17,4	14,4
Янгиобод	111	83	15,9	11,7

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 3 047 киши, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 3 712 киши ташкил қилди. Мос равишда миграция қолдиғи минус 665 киши ташкил этган, 2020 йилнинг мос даврида минус 412 киши бўлган.



## Январь-март ойларида аҳолининг миграция кўрсаткичлари

(киши)

	Келганлар		Кетганлар		Миграция сальдоси	
	2020 й.	2021 й.	2020 й.	2021 й.	2020 й.	2021 й.
<b>Жиззах вилояти</b>	<b>2 571</b>	<b>3 047</b>	<b>2 983</b>	<b>3 712</b>	<b>-412</b>	<b>-665</b>
<i>шаҳар:</i>						
Жиззах	611	656	500	612	111	44
<i>туманлар:</i>						
Арнасой	76	120	150	176	-74	-56
Бахмал	115	139	319	388	-204	-249
Ғаллаорол	125	132	246	342	-121	-210
Шароф Рашидов	636	762	427	477	209	285
Дўстлик	175	173	209	240	-34	-67
Зомин	70	173	274	299	-204	-126
Зарбдор	186	223	172	218	14	5
Зафаробод	78	152	157	177	-79	-25
Мирзачўл	199	185	106	174	93	11
Пахтакор	176	215	171	282	5	-67
Фориш	86	76	204	257	-118	-181
Янгиобод	38	41	48	70	-10	-29

Миграция сальдосининг юқори даражаси Бахмал (минус 249 киши), Ғаллаорол (минус 210 киши), Зомин (минус 126 киши) ва Фориш (минус 181 киши) туманларида қайд этилди. Миграциянинг ижобий сальдоси Шароф Рашидов тумани (плюс 285 киши) ва Жиззах шаҳарда (плюс 44 киши) кузатилди.

## ХШ. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

### 2021 йил январь-март ойларида Жиззах вилояти бўйича ўртача ойлик номинал иш ҳақи миқдори (дастлабки маълумот)

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2021 йил январь-март ойларида Жиззах вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **2 298,8 минг сўми** (иш ҳақиға устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этди.


### Тармоқлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақи

(2021 йил январь-март, қишлоқ хўжалиғи ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

	Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм
<b>Жиззах вилояти бўйича – жами</b>	<b>2 298,8</b>
<i>шу жумладан:</i>	
Саноат	2 412,2
Қурилиш	2 328,2
Савдо	2 428,5
Ташиш ва сақлаш	1 814,3
Яшаш ва овқатланиш	2 369,0
Ахборот ва алоқа	3 363,5
Молиявий ва суғурта фаолияти	5 076,1
Таълим	2 217,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1 899,1
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	2 847,0
Бошқа фаолият турлари	2 426,2

## Соҳалар кесимида ўртача ойлик иш ҳақи миқдори ва ўсиш суръати

(2021 йил январ-март; қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан таиқари.)



**Юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилот ходимлар сони,  
иш ҳақи фонди ҳамда ўртача ойлик иш ҳақи**  
(2021 йил январ-март; қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан  
ташқари.)

	<i>Корхона ва ташкилотлар сони, бирлик:</i>	<i>Ходимлар сони, киши:</i>	<i>Иш ҳақи фонди, млн.сўм:</i>	<i>Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм:</i>
<b>Жиззах вилояти бўйича – жами</b>	<b>2 321</b>	<b>10 0346</b>	<b>686 233,1</b>	<b>2 298,8</b>
<i>шу жумладан:</i>				
Саноат	32	13 493	97642,5	2 412,2
Қурилиш	5	159	1110,6	2 328,2
Савдо	16	1 377	10 032,2	2 428,5
Ташиш ва сақлаш	7	1 114	6 063,3	1 814,3
Яшаш ва овқатланиш	4	61	433,5	2 369,0
Ахборот ва алоқа	17	485	4 893,9	3 363,5
Молиявий ва суғурта фаолияти	23	1 977	30 106,3	5 076,1
Таълим	941	47 205	313 978,0	2 217,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	71	19 004	108 269,1	1 899,1
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	65	868	7 413,6	2 847,0
Бошқа фаолият турлари	1 140	14 603	106 290,0	2 426,2



**Саноат соҳаси** бўйича бир қатор шаҳар ва туманлар ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг вилоят ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан юқори кўрсаткичлари кузатилди. Вилоят ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан юқори кўрсаткичлар Пахтакор – 135,7 %, Жиззах шаҳри – 106,8 %, Ш.Рашидов – 101,3 %, Фориш – 100,2 % туманлари ҳиссасига тўғри келган.

Шу билан бирга, вилоятнинг баъзи туманларида ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг вилоят даражасидан паст эканлиги кузатилди.

Иш ҳақининг нисбатан паст кўрсаткичлари Зомин – 97,8 %, Зарбдор – 94,7 %, Дўстлик – 73,6 % ҳамда Ғаллаорол – 64,7 % туманлари ҳиссасига тўғри келди.



**Қурилиш соҳасидаги** ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақини кўрадиган бўлсак, энг юқори кўрсаткич Жиззах шаҳрида – 116,3 %, Мирзачўл – 102,5 % вилоят даражасидан юқори кўрсаткичлар кузатилди.

Шу билан бир қаторда, вилоятнинг баъзи туманлари қурилиш соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи вилоят даражасидан паст бўлди.

Қурилиш соҳасида вилоят кўрсаткичидан сезиларли даражада паст ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи Пахтакор – 71,0 % ва Зафаробод – 68,5 %, туманида кузатилди



**Савдо соҳасидаги** ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақини кўрадиган бўлсак, энг юқори кўрсаткич Жиззах шаҳрида – 105,5 % вилоят даражасидан юқори кўрсаткичлар кузатилди.

Шу билан бир қаторда, вилоятнинг баъзи туманлари қурилиш соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи вилоят даражасидан паст бўлди.

Савдо соҳасида вилоят кўрсаткичидан сезиларли даражада паст ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи Бахмал – 75,2 % ва Мирзачўл – 59,1 % туманларида кузатилди



**Таълим** соҳаси бўйича қатор шаҳар ва туманларда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг юқори кўрсаткичлари кузатилди.

Вилоятдаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақиға нисбатан сезиларли юқори кўрсаткичлар Жиззах шаҳри – 126,9 %, Бахмал – 108,6 %, Зомин – 102,9 %, Янгиобод – 102,8 % ва Дўстлик – 101,3 % туманлари ҳиссасига тўғри келган

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг баъзи туманларда вилоят ўртача кўрсаткичидан паст эканлиги кузатилди.

Вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Зарбдор – 99,1 %, Арнасой – 95,1 %, Ш.Рашидов – 93,1 % ҳамда Пахтакор – 90,3 % туманлари ҳиссасига тўғри келган.



**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар** кўрсатиш соҳаси бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан юқори кўрсаткичлари Мирзачўл – 113,1 %, Жиззах шаҳри – 112,9 %, Арнасой тумани – 106,5 %, Зафаробод – 106,1 %, Дўстлик – 103,9 % ва Пахтакор – 101,6 % туманлари ҳиссасига тўғри келган.

Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи баъзи туманларида вилоят ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичидан паст бўлди.

Хусусан, иш ҳақининг нисбатан паст кўрсаткичлари Ғаллаорол – 97,4 %, Бахмал – 96,5 %, Зомин – 91,8 %, Шароф Рашидов – 90,9 %, ва Фориш – 88,4 % туманларида кузатилди



**Банк, суғурта ва воситачилик** фаолияти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан кўриб чиқилганда энг юқори кўрсаткич Жиззах шаҳрида – 100,6 % ни ташкил этди.


Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи вилоятнинг баъзи туманларида вилоят ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичидан паст бўлди.

Иш ҳақининг сезиларли паст кўрсаткичлари Янгиобод – 97,9 %, Дўстлик – 69,1 % ва Бахмал – 19,2 % туманлари ҳиссасига тўғри келди.


Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини ҳудудлар бўйича кўрадиган бўлсак, ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Жиззах шаҳрида 2 864,3 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 124,6 %) ни ташкил этди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи вилоятнинг баъзи туманларида вилоят ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичидан паст бўлди жумладан, Бахмал туманида 2 221,0 минг сўмни (96,6 %) ва Зомин туманида 2 131,7 минг сўмни (92,7 %) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

**Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(2021 йил январь-март, минг сўмда)



**Худудлар бўйича ўртача иш ҳақи миқдорининг вилоятдаги ўртача иш ҳақига нисбатан ўсиши**  
(2021 йил январь-март ойларида вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)



Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди (2021-йил февраль ойидан 747,3 минг сўмни ташкил этган, Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 18-январдаги 47-сонли қарорига биноан, меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасига ўзгартириш киритилди ва 1,2,3-разрядлари коэффициентлари оширилди) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.





**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ  
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ  
2021 йил январь-март**

*Наишга масъул:  
Статистика фаолиятини ташкил этиш  
ва йизма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими*

тел.: 0(372) 221-53-51

Буюртма рақами №      22.04.2021 йил      Тираж 15 нусха

**Жиззах вилояти статистика бошқармаси  
Жиззах шаҳри, Тўқимачилар кўчаси 7**

Расмий веб-сайт: [www.jizzaxstat.uz](http://www.jizzaxstat.uz)  
электрон почта манзили: [jizzaxstat@uznet.net](mailto:jizzaxstat@uznet.net)  
электрон ҳимояланган почта манзили: [jiz.stat@exat.uz](mailto:jiz.stat@exat.uz)

